

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ГИЁЎВАНДЛИК - ДАВР ОФАТИ

Тошкент-2004

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ГИЁЎВАНДЛИК - ДАВР ОФАТИ

Методик-библиографик кўлланма

Тошкент-2004

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: У.Тешабоева
Муҳаррир: Ў.Маматраимова
Масъул муҳаррир: А.Турсунов
Матн терувчи: З.Джалилова

Аср вабоси бўлмиш гиёҳвандлик, гиёҳвандлик воситалари, гиёҳвандликни олдини олиш ва унга қарши курашишга бағишланган ушбу методик-библиографик кўлланма бу иллат илдизини чуқур ўрганиш, унга қарши кураш йўллари ва чораларини тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

Кимки боқмабдур ишин пойига, Теч ҳисоби бўлмаган армонига.

*Бирор ишга киришган одам
аввал ул ишинг оқибати нима
бўлишини яхшилаб ўйлаши керак.
Ўйламасдан қилинган ишинг оқибати
«вой» бўлади.*

XXI аср шиддат билан тезлашиб бормоқда. Инсоният эски асрдан янги асрга, иккинчи минг йилликдан учинчи минг йилликка оғистагина қадам кўйди. Қачонлардир инсониятни ибтидоий ҳолатдан олиб чиқиб, «homo sapiens» га, яъни ақлли мавжудотга айлантирган Шарқ ва Ғарбдаги тамаддун тизимлари кўп жиҳатдан ўз куч ва имкониятларини сарфлаб бўлди.

Одамзод умумсайёравий тамаддун танглиги бўсағасида турибди: у умумий иқтисодий издан чиқиш, ижтимоий беқарорлик, жиддий маънавий муаммолар натижасида фалаж бўлиб қолди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларини ўз домига тортаётган СПИД, гиёҳванд моддалар, халқаро террорчиликнинг кучли тўлқини каби бало-қазоларнинг тез ёйилиши билан боғлиқ кейинги пайтдаги воқеалар инсон ҳаётини бутунлай хавф остига солиб кўйди.

Дарҳақиқат гиёҳвандлик бугунги кунда бутун дунё аҳлига жиддий хавф солмоқда ва бу иллатга қарши мурасасиз кураш олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш кўмитаси ишлаб турибди. Гиёҳвандликка қарши кўплаб давлатларда муайян тадбирлар, йирик-йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лекин, бу борада амалга оширилаётган ишларни

янада жонлантириш, бугунги кунда гиёвандликка қарши курашнинг асосий омилларидан бўлган – жаҳон ҳамжамиятини кучайтириш бўлса, иккинчидан инсонлар онгига гиёвандликнинг оғир оқибатларга олиб келувчи, ўнглаб бўлмас фожеага етакловчи «оғу» эканлигини сингдириш лозим.

Сир эмаским, ҳозирги пайтда гиёвандлик иллатига дучор бўлганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Ҳаётининг тажрибадан кўриш мумкинки, кўп ҳолларда айрим ўсмирлар то гиёвандлик йўлига киргунларигача спиртли ичимлик ичиш, тамаки маҳсулотларини чекиш билан шуғулланганлар, кейинчалик аста-секин гиёвандлик моддасига ўтганлар. Кўпчилик ёшлар иқтисодий етишмовчилик, яъни тўқликка шўхлик туфайли бу заҳри қотил домига тушиб қолмоқдалар.

Гиёвандликни олдини олиш, унга қарши курашиш, гиёвандларни даволаш масаласи кўпчиликнинг диққат эътиборида. Гиёвандликка қарши биргалашиб курашиш лозимлигини тушунган ҳолда кўплаб халқаро дастурлар, режалар ишлаб чиқилмоқда, халқаро конференция ва симпозиумлар ташкил этилмоқда. Наркотик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида, амалга оширилаётган ишларга қарамай, у барибир ҳудуддан ҳудудга кўчиб юрибди.

Биз мазкур қўлланмада гиёвандлик ҳақидаги баъзи бир маълумот ва фикрларни билдиришни жоиз деб топдик. Ушбу қўлланманинг мақсади гиёвандлик иллатининг асл моҳиятини китобхонларга етказиш, аср муаммоси бўлган гиёвандлик, унга қарши курашга кенг халқ оммасини жалб этишда кутубхона ходимларига қўмак беришдир.

Бу иллатга қарши курашда кутубхона ходимлари шу мавзудаги адабиётларни тарғиб этиб, комплекс тадбирлар: давра суҳбатлари, конференциялар, билим донлар беллашуви, бахс ва мунозара кечалари, савол-жавоб кечалари, адабиётларнинг очиқ қўрғазмалари кабиларни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини китобхонларга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган саломатлик марказлари ходимлари, педагоглар, психологлар, диншунослар, ҳуқуқ тарғибот органлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилиш лозим.

«Оёғи узун» иллат (гиёҳвандлик аср вабоси)

Гиёҳвандлик – наркомания – бангилик – наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш, аниқроғи табиий ёки синтетик заҳарли моддалар (айрим дори моддаларини вақтинча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Гиёҳвандлик организм соматик ва руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига сабаб бўлади ва гиёҳвандни таназзулга олиб боради.

Гиёҳвандда ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлади, гиёҳванд модданинг миқдорига нисбатан эҳтиёж, руҳий ва жисмоний боғлиқлик ортиб боради. Гиёҳвандлик аста-секин бошланиб, сурункали давом этади. Гиёҳванд моддалар дастлаб хушнудлик, димоғчилик, хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кайф қилдиради, кейин бора-бора бу касалликка айланади. Гиёҳвандлик 2 зайлда авж олиши мумкин.

Биринчи ҳолда врач буюрган ва беморнинг руҳи ҳамда кайфиятини ошириш хусусиятига эга бўлган дориларни узок вақт ва нотўғри қабул қилиш; оғрик, уйқусизлик ва бошқа дардлардан қутилиш мақсадида дори миқдорини ошириб бориш; дарддан тузалиб дорига унчалик эҳтиёж бўлмаса ҳам, уни қабул қила вериш натижасида дорининг наркотик таъсири ва миқдори орта бориб, пировардида гиёҳванд моддага мойиллик кучайиб, у ҳумор қиладиган бўлиб қолади. Иккинчи ҳол онгли равишда кайф қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларга ўрганишдир.

Гиёҳвандликка, одатда иродаси кучсиз, ўзини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта худбин кишилар берилувчан бўлади. Ёшлар тарбиясидаги нуқсон ва камчиликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб юрувчи катта ёшдагиларга тақлид ва ҳавас, оиладаги нохуш шароит (ота-онанинг ичкиликбозлик ёки гиёҳванд бўлиши) ҳамда гиёҳванд моддаларнинг осон топилиши ёки қўл остида бўлиши ҳам гиёҳвандликка сабаб бўлиши мумкин.

Гиёҳвандликка мубтало бўлганларда хасталик борган сари кучая бориб одатда қутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади. Гиёҳвандлик эйфориясида, яъни кайфи чоғликда 2 босқич кузатилади: қисқа муддатли – 1-5 дақиқа давом этадиган ўткир ҳиссиётли босқич (ҳақиқий эйфория) ва узок (1-3соат) чўзиладиган бўшашиш, тинчланиш даври. Бу босқичларнинг қисқа ёки узок бўлиши қандай гиёҳванд модда қабул қилинганлигига ва миқдорига боғлиқ. Гиёҳвандликнинг ҳамма тури ҳам ўз ривожига гиёҳванд моддаларга ўрганиб қолиш йўли билан гиёҳвандлик синдромининг

шаклланишига олиб келади. Бу синдромнинг ривожланишида ҳам 3 босқич фарқланади:

- гиёҳванд моддага нисбатан организм реактивлигининг ўзгариши ва руҳий боғланишнинг пайдо бўлиши;

- хумор (абстинент) синдроми кўринишида жисмоний боғланишнинг юзага келиши;

- организм барча системаларининг заифлашиши (толерантликнинг пасайиши, яъни гиёҳванд моддаларнинг аввалги миқдорини кўтара олмаслик, хуморнинг сурункали давом этиши ва айрим ҳолларда полинаркоманиянинг вужудга келиши).

Гиёҳвандликка мубтало бўлган киши гиёҳванд моддаларни қайта-қайта ва кўпроқ миқдора истеъмол қила бошлайди. Кейинчалик эса гиёҳванд моддаларсиз туролмайдиган бўлиб қолади. Бундай аҳволдан қутилиш ва ўзини бир оз енгил ҳис қилиш учун яна гиёҳванд моддага ружу қилади ва охир-оқибатда гиёҳванд моддаларга хирс қўйиш келиб чиқади. Организмнинг дастлабки ҳимоя рефлекслари (кўнгил айнаши, қусиш) йўқолади. Бу даврда организмда гиёҳванд моддаларга нисбатан мойиллик шу даражада кучайиб кетадики, гўё бу моддалар аввалги таъсир кучини йўқотгандек бўлиб қолади, энди аввалгидек эйфория (кайф) ҳолатини ҳис қилиш, хуморни тарқатиш учун ўша моддадан кўпроқ миқдорда қабул қилгиси келади. Олдинига гиёҳванд модда бирмунча ёқимсиз таъсир кўрсатган бўлса, кейинчалик гўёки унинг ҳолатини «нормаллаштирганга» ўхшайди, бемор ўзини бирмунча яхши ҳис қилади, иш қобилияти, руҳи гўё тетиклашади, пировардида у ҳақиқий гиёҳванд бўлиб қолади. Гиёҳвандларда аввал руҳий ўзгаришлар (тажанглик, кайфият бузқлиги, хотира пасайиши) пайдо бўлган

бўлса, кейинчалик жисмоний ўзгаришлар - жисмоний боғланиб қолиш синдроми (терлаш, юрак уриши, оғиз қуриши, озиб кетиш, қўл-оёқнинг титраши ва бошқалар) рўй беради. Агар гиёҳванд ўз вақтида наркотик моддани қабул қилмаса, организмда қучли руҳий ва жисмоний ўзгаришлар, яъни гиёҳвандликка хос оғир ҳолат – хуморлик синдроми пайдо бўлади.

Гиёҳвандлик опиомания (афюн қабул қилиш), морфинизм, героинизм қўринишида бўлади. Гиёҳвандликнинг нашавандлик, кокаинизм, никотинизм (тамакига ружу қилиш), теизм (аччиқ чой ичиш) ва бошқа турлари ҳам учрайди.

Манбаларда қайд қилинишича, наркотик моддалардан фойдаланиш кўҳна заминлардан бери маълум. Қадим замонларда маросимларда, сиғинишларда, шунингдек халқ таъбабатчилигида ишлатилган. Тахмин қилишларича, нашанинг кайф берувчи наркотик таъсири ўсимликни ёқишдан, унинг тутунини ҳидлашдан билинган бўлиши мумкин. Бундан неча асрлар бурун Мисрда нашадан наркотик модда сифатида фойдаланилган. Геродот ўз асарларида Ўрта Осиё қўчманчи қабилалари ҳаёти тўғрисида тўхталар экан, шундай лавҳа келтиради: қўчманчилар катта гулхан атрофида ўтиришиб, ўтга наша ташлашар ва унинг ҳидидан, гўёки эллинлар винодан маст бўлганидек, маст бўлишар экан.

Сукрот ҳаким (Гиппократ) асарларида қайд қилинишича, ҳинд нашаси Европага скифлар томонидан Троян урушигача бўлган вақтларда келтирилган.

Буюк энциклопедист олим Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарининг иккинчи жилдида нашанинг салбий таъсирини кўрсатиб ўтган. Жумладан, 634-кўрсаткич мақолада «...наша уруғини қўп истеъмол

килинса, эрлик уругини киркади» дейди. Шунингдек, 689-мақолада наша аъзоларни сусайтириши, кўзни хиралаштириши, меъдага зарар етакзишини кўрсатиб ўтган.

Икки ёки ундан ортик хил гиёҳванд моддани сурункали қабул қилиш – полинаркомания дейилади. Бу организм учун яна ҳам ҳалокатлидир. Шарқ халқлари орасида шундай ҳикоят бор. Кунлардан бир кун кўёш ботиб қоронғи тушгач маҳкам ёпиб қўйилган шаҳар дарвозаси олдига шу шаҳарлик уч киши етиб келади. Уларнинг бири қаердадир меҳмон бўлиб юрган ва кўнгил очадиган, хурсанд қиладиган нарсалардан татиб кўрган. Бошқаси кўкнори қабул қилган. У: «Биз наҳотки, бу ерда тун бўйи совқотиб ўтиришимиз керак? Келинглар, бу дарвозани бузиб қирамиз-да, уйимизга етиб оламиз», - дебди. Шериғи аъзойи-бадани бўшашиб, мудраб, сўзга кириб: «Дарвозани бузишни, шовқин-суронни нима керағи бор. Келинглар, қулайроқ ўтириб оламиз-да, тонг отишини кутамиз, дарвозани ахир очишади-ку», -дебди. Учинчиси наша чекиб, жуда безовталанган, ҳаёл суриб, шундай деган экан: «Очиқ саҳрода тунаб қолсак, бизга албатта қийин бўлади. Дарвозани бузиш ҳам керак эмас, биз қулф тешиги орқали шаҳарга осонгина ўтиб кетамиз». Бу ҳикояда учта наркотик модданинг ўзига хос таъсири жуда тўғри келтирилган. Гиёҳвандликнинг ҳамма турида ҳам организм заҳарланади ва у жуда оғир кечади.

Ер юзининг турли минтақаларида гиёҳвандликнинг айрим турлари кузатилади. Гиёҳвандликнинг героинизм тури кейинги вақтда жуда кенг ва фожеали тарзда тарқалиб бормоқда. Гиёҳвандлик авж олишнинг олдини олиш учун айрим мамлакатларда тегишли тадбирлар амалга оширилган.

Хусусан, Ўзбекистонда гиёвандликка қарши кураш қўмитаси ташкил қилиниб, давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикада наркология маркази ташкил қилинган ва бу марказда наркология бўйича олим ва мутахассислар томонидан малакали кадрлар тайёрланиб, улар мамлакат минтақаларида гиёвандликка қарши кескин кураш олиб боради.

Гиёвандликка мубтало бўлган беморлар асосан шифохона (стационар) шароитида 2-4 ойгача даволаниб 4-5 йилгача амбулатория кузатуви ва ҳисобида бўладилар.

Гиёвандлик воситалари

Гиёвандлик воситалари – махсус рўйхатга киритилган ва давлат томонидан назоратга олинган, гиёвандликни келтириб чиқарувчи синтетик восита (препарат) лар ва ўсимликлардир.

Гиёвандлик воситалари рўйхати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилги «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги конвенциясида, шунингдек, гиёвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг қарорига (1995й. 1 апр.) 1-сонли иловада берилган.

Гиёвандлик воситалари сирасига марихуана, наша, каннабис смоласи, наша мойи, қорадори, морфин, героин, кодеин, эфедрон, кокаин ва бошқалар киради. Гиёвандлик воситаларидан тиббий мақсадларда фойдаланганда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга қатъий риоя қилиниши керак. Гиёвандлик воситалари билан эркин муомала қилиш таъқиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунига биноан, уларни ветеринария, илмий ва ўқув мақсадларида, экспертлик фаолиятида, жисмоний шахсларга бериш ва бошқа мақсадларда муомалада бўлиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда, ғайри қонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. (ЎзР МЖК, 56 модда).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)да таркибида гиёҳванд воситалари бўлган экинларни экиш ёки етиштириш (270-модда), қонунга хилоф равишда эгаллаш (271-модда), ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш (273-модда), гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб этиш (274-модда), уларни ишлаб чиқариш ёки фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-модда), ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (276-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

«Гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни экиш», дейилганда уларнинг уруғини махсус тайёрланган ерга сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилади ва шу ҳаракатларнинг ўзи шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

«Гиёҳвандлик воситаси бўлган ўсимликларни етиштириш», дейилганда ҳар қандай ерда экилган ёки ўзи униб чиқиб, ўсиб ётган шундай ўсимликларни

парвариш қилиш (суғориш, чопиш, ўғит бериш ва Ҳ.к.) тушунилади.

«Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш», дейилганда уларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, талончилик, мансабни сууистеъмол этиш, товламачилик, босқинчилик каби йўллар билан эгаллаш тушунилади.

Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаган, олган, сақлаган, ташиган шахс, агар шундай ҳаракатни биринчи марта содир этган бўлса ва улар миқдори кўп бўлмаса, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиб келиб, гиёҳванд воситаларини топширса, жазодан озод қилинади (273-модда).

Гиёҳванд воситаларини ишлаб чиқариш ва улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир жиноятчиликка, жиноий бизнесни келтириб чиқаради.

Ислом – гиёҳвандликка қарши

Маълумки, XX асрнинг ўрталаридан Ҳозирги кунга қадар гиёҳвандлик балоси бутун ер юзи бўйлаб кенг тарқалиб бормоқда.

Бу разолат манба бўлмиш афюнли гиёҳлар «лаззати»га берилиш ҳатто мактабларда, таълим олаётган ёшлару институт талабалари, эркагу аёллар ўртасида баробар илдиз отиб, палак ёзаётганлиги ҳар қандай ақл-идрокли кишини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Аллоҳ таолонинг муборак сўзи бўлмиш Қуръони каримда тоза-пок нарсаларнинг ҳалол экани ва нопок нарсаларнинг ҳаромлигини одамларга билдириш Муҳаммад алайҳиссаломнинг башариятга элчи қилиб юборилаётгани сабабларидан бири деб кўрсатилган. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳиссалом: «Маст

килувчи ҳар бир нарса – ҳаром», дедилар (имом Муслим ривояти).

Куйида гиёҳвандликнинг ҳаромлигига далолат килувчи оят ва ҳадислардан намуналар келтирамиз:

«Ўз кўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!» (2:195).

«Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирмангиз...» (4:29).

Аллоҳ таоло инсонларнинг ўз жонига қасд қилмасликка, шунингдек ўзгаларнинг ҳам қонини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади.

Ҳадиси шарифда: «Кимки ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша нарса билан азоб берилади», дейилади.

Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Ислом динида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтириш йўқ», дейилади. Гиёҳвандликнинг зарарлари эса беҳисобдир.

Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириш билан бирга бениҳоя исрофгарчилик ҳиобланади.

Бир ҳадиси шарифда: «Аллоҳ таоло сизларга бекорчи гап-сўзлар, кўп савол бериш ва молни беҳуда зое кетказишни ман қилади», дейилган.

Молу бойликни беҳуда ва бефойда сарф этиш, шариатда ҳаром саналганидан кейин, гиёҳванд моддаларидек қони зарар нарсалар учун сарф этиш нега ҳаром бўлмасин? Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари фақат муайян шахс ёки ижтимоий табақагагина эмас, балки, бориб-бориб, бутун мамлакатнинг соғломлиги ва барқарорлигига путур етказиши ҳам мумкин.

Маълумки, ёшлар ҳозиримизнинг ярми бўлса, келажакимизнинг бутун бир яхлит кишиларидир. Улар орасида гиёҳвандликнинг тарқалиши ўта хатарлидир. Зеро, ёшлар – келажакдаги раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, иқтисодчилардир. Аҳолининг бу қисми гиёҳвандликка қанчалик кўп берилган бўлса, жамиятнинг келажакдаги шунчалик хавф-хатар остида қолади.

Ўз навбатида, гиёҳвандликнинг оилага етказадиган зарарлари ҳам талайгина. Ҳолбуки, оила – жамиятнинг асосий ҳужайраси. У соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом бўлади, агарда у касалланса, жамиятнинг пойдевори дарз кетади, натижада унинг устига қурилган бино қулаши турган гап.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни эзгулик, хайрли ва савобли ишларга буюриб, ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишлардан қайтариб туришликни фарз қилган.

Асримиз вабоси бўлган СПИД ва гиёҳвандлик офатидан халқимизни ва келажак авлодни халос этиш, уларни моддий ва маънавий беркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий ҳайрли ишларда Аллоҳ таолонинг ўзи ҳаммага мадакор бўлсин!

«Гиёҳвандлик – умр кушандаси» мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш дастури

Танлаб олинган мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун 1 ой олдин тайёргарлик ишлари бошланади. Бунинг учун аввал кутубхоналарда, муассасаларда, олий ўқув юртларида, мактабларда, жамоат ташкилотларида эълон ёзилади, таклифномалар юборилади. Конференция учун жой, яъни кироатхона танланади, мавзуга бағишланган адабиётлар қўرғазмаси

ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш айна муддаодир. Тингловчилардан конференция вақтида мавзу ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришлари сўралади.

Конференцияда педагоглар, турли фан соҳалари олимлари, ҳуқуқшунослар, диний кўмита ходимлари, наркологик диспансер мутахассислари, ички ишлар ходимлари қатнашиши мумкин ва улар конференция ташкилотчилари томонидан таклиф қилинади.

Конференция олиб борувчиси қуйидаги сўзлар билан уни очиши мумкин:

Ассалому алайкум, конференция қатнашчилари, азиз меҳмонлар! Барчамизга маълумки, асримизнинг энг даҳшатли вабоси – гиёҳвандлик ер юзида кенг тарқалмоқда. Эртанги кунимиз, порлоқ истиқболимиз сарчашмалари бўлмиш ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишлари, турли диний оқимлар, аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандлик домига тушиб қолмасликлари йўлида турли ишлар амалга оширилмоқда. Гиёҳвандлик нима? Гиёҳванд ким? Гиёҳванд моддалар ва унинг таъсири, оқибатлари қандай каби саволларга жавоб ва тушунчалар бериш учун, ҳозир сўзни Тошкент шаҳар наркология диспансери мутахассисига берамиз. Марҳамат.

Наркология диспансери мутахассиси: Турматли конференция иштирокчилари. Гиёҳвандлик – наркомания киши организмнинг таъсирчан моддаларга ўрганиб қолишини англатади. Демак, навбатдаги «ҳузурбахш» самарага эга бўлиш учун фойдаланилаётган наркотик модданинг меъёри маълум даражада оширилиши талаб қилинади. Наркотик моддалар, улар қайси турга мансуб бўлишидан қатъий назар, одамни дастлабки пайтларда енгил, ҳузурбахш

кайфият оламига «парвоз килдиради» кейин эса бора-бора тубанлик гирдобига тортиб кетади. Гиёҳвандликка берилганда, яъни наша чекканда, афъюн – кора дори, морфий, кокаин, героин ва яна бошқа турдаги наркотик моддаларни ичганда, чекканда, нишлаганида унинг бош миясида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Гиёҳвандлар руҳий ва жисмоний таназзулга учрайди ва бунинг оқибати кўп ҳолларда аянчли бўлганини сизлар кўп эшитган бўлсангизлар керак.

Бошловчи: Раҳмат. Мана гиёҳвандлик ҳақида анча тушанчага, гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида барчамиз тасаввурга эга бўлдик. Келинг ҳозир ёшлар орасида гиёҳвандлик ва унга қарши кураш чора-тадбирлари ҳақида сўзлаб беришни Ибн Сино халқаро жамғармаси қошидаги «Гиёҳвандликнинг олдини олиш маркази» ходимидан ----- илтимос қиламиз. Марҳамат.

Ассалому алайкум. Гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш барчамизнинг олдимизда турган бош вазифалардан биридир. Агар гиёҳвандлик муаммоси билан шуғулланган барча ташкилот ва уюшмалар кучи бирлаштирилса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларни иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилса, агар оммавий ахборот воситаларида «пиво ёки тамакининг энг зўр нави»ни реклама қилиш ўрнига гиёҳвандликнинг оқибати ва зарарлари ҳақида фақат халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кунида эмас, хар куни ахборот-тарғибот ишлари олиб борилса, мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, шифокорлар, участка инспекторлари, дин пешволари, психологлар бу ишга жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Гиёҳвандликка қарши кураш борасида

Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари, Германия, Исроил, Туркия билан шартномалар имзолаган...

Бошловчи: Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат. Дарҳақиқат, асримизнинг бу вабосига қарши кураш йўлида кучларни бирлаштирмасак кўзланган мақсадга эришиш қийин. «Бир болага етти кўшни ота-она» деган мақола бежиз айтилмаган, бугун биз бепарво бўлган бола эртага ўзимизнинг фарзандимизни ҳам шу машъум оғу қонига тортмаслигига қафолат йўқ! Шунинг учун огоҳ бўлайлик.

Ҳурматли конференция иштирокчилари ва китобхонлар! Бугун сизлар билан биргаликда гиёҳвандлик ва унга қарши кураш ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлдик. Ўйлаймизки, бундай конференцияларни ўтказиб туриш фойдадан ҳоли эмас. Шу мавзуга бағишлаб адабиётлар кўرғазмасини ҳам ташкил қилгамиз. Энди сизларни ундан фойдаланиш учун таклиф қиламиз.

«Гиёҳвандлик – давр офати» мавзуси бўйича китоб кўрғазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси
Кўрғазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Гиёҳвандлик ҳаёт душмани

«Жаҳон давлатлари ва халқаро ташкилотлар диққат-эътиборини давримизнинг умумбашарий муам молари бўлмиш–халқаро терро ризм, экстремизм, нарқобизнес, контрабанда, экологик офатлар ва болалар ўлимига қарши курашишга сафарбар этиш зарур»

И.А.Каримов

Бу бўлимга бугунги кунда наркобизнес, гиёҳвандлик ва унга қарши кураш ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

2. Қўрмайин босдим тиканни...

Бошингга ҳар бало келса,
Бировдан эмас, ўзингдан кўр!
Қўшиқдан

Бу бўлимга гиёҳвандлар орасида кўпчиликни ташкил қилаётган ёшлар, уларни гиёҳванд моддаларни бир маротаба истеъмол қилиб ёки ҳидлаб кўриб, шу йўлга кириб қолганликлари ва унинг оқибатлари ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

3. «Оқ ажалнинг – қора қисмати»

Бу бўлимга гиёҳванд моддаларни доимий истеъмол қилувчи кишилар турли касалликларга йўлиқиш, инсон зурриётининг батамом бузилиши, ногирон болалар сонининг кўпайиши ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

Гиёҳвандлик – умр заволи

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга
тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонлар қизиқишини гиёҳвандлик ва у ҳақида ёзилган рисодалар, ҳамда гиёҳвандликни тарқалиши, унинг салбий оқибатлари, унга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган асарларни фаол ўқиши орқали амалга оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказиш учун фаол китобхонлар орасидан 6-8 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади.

Улар талаба ёшлар, юқори синф ўқувчилари, ишчилар бўлиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра тузилган саволлардан айримлари танланиб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ўз навбатида кутубхонада билимдонларга тайёрланган саволларга доир керакли адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида нашр этилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида беллашув катнашчилари, албатта ўша манбалар билан танишиб, ўрганиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини гиёҳвандликка оид асарлар, бу иллатни жамиятимизга солаётган хавфи тўғрисидаги мақолалар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг гиёҳвандликка қарши курашишга оид моддаларга қаратиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Гиёҳвандлик нима?

(Гиёҳвандлик наркотик моддаларга, кайф қиладиган гиёҳларга ўрганиш, уларни доимо ва борган сари кўп миқдорда қабул қилишга мойиллик сифатидаги ўта оғир касалликдир. Бундай мойиллик жисмоний ва руҳий тобелик натижасида юзага келади).

2. Гиёҳванд моддалар Ўзбекистонга асосан қайси давлатлар орқали кириб келади?

(Афғонистондан Тожикистон орқали Ўзбекистон га кириб келади).

3. Гиёҳванд ўртача неча йил умр кўради?
(Статистик маълумотларга кўра, гиёҳванд ўртача 25 йил умр кўради).

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддаларида гиёҳвандлик, гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланувчилар учун жазо чоралари белгиланган?

(Жиноят кодексининг 273-моддасида «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш», 275-модда эса «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини» бузувчиларга бериладиган жазо чоралари акс этган).

5. Кокаин ўсимлигини биринчи ким аниқлаган ва унинг дунёга тарқалиш сабабларини биласизми?

(Америго Веспуччи ўзининг Шимолий Колумбиянинг Гуахиро ярим оролига уюштирган саёҳати ҳақидаги кўлёзмасида ёзишича, оролдаги одамлар яшил ўсимлик барглари доимо чайнаб юришган. Орол одамлари бадбашара ва хунук бўлишган. Уларнинг кўлида доимо кока ўсимлиги, иккинчисида эса оқ кукун бўлган. Кўриниб турибдики, кокадан кокаин олиш усулини биринчи бўлиб Гуахиро халқи ўйлаб топган. Уни дунёга тарқалишига эса испан мустамлакачилари сабабчидир).

6. Президент И.Каримовнинг қайси асарида гиёҳвандликка қарши курашиш ҳақида фикр-мулоҳазалари берилган?

(И.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид» номли асарида)

7. Наркотик моддаларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?

(1. Наша ҳосилалари: насадан тайёрланган наркотиклар – масалан марихуанна наша баргидан қуритиб тайёрланса, гашиш – наша ўсимлигидан сиқиб олинадиган суюқлик. 2. Опиатлар: кўкноридан тайёрланган наркотиклар – ханка, георин, кофеин. 3. Уйқу келтирадиган седатив наркотиклар. 4. Психостимуляторлар. 5. Галлюцинациялар пайдо қиладиганлари. 6. Учувчи наркотик моддалар).

8. Дунё бўйича қанча киши героин, кокаин, марихуанна каби гиёҳванд моддаларини истеъмол қилади?

(Ҳозир дунёда 8 миллиондан ортиқ киши героин, 13 миллиондан ортиқ киши кокаин, 141 миллиондан зиёд киши марихуанна (наша) ҳамда 280 миллиондан ортиқ киши сунъий наркотик моддалар истеъмол қилади).

9. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш усуллари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

(Гиёҳванд моддаларнинг турли хиллиги боис уларни истеъмол қилиш усуллари ҳам турличадир. Опий, гиёҳванд моддалар чекиш, истеъмол қилиш, хидлаш, игна орқали томирга юбориш усуллари билан, марихуанна каби дорилар эса чекиш, хидлаш, овқатга қўшиш билан қабул қилинади).

10. Гиёҳванд моддаларга асосан қандай кишилар кўпроқ мойил бўлади?

(Одатда ўзини тия билмаган, руҳан заиф, иродаси кучсиз, бировларга тақлид қиладиган кишилар).

11. Гиёҳвандларда қандай руҳий ва жисмоний ўзгаришлар рўй беради?

(Руҳий ўзгаришлар - тажанглик, кайфиятнинг тез бузилиши, хотира пасайиши, заифлик бўлса, жисмоний ўзгаришлар – кўп терлаш, юрак уриши тезлашиши, оғиз қуриши ҳолати, озиб кетиш, кўл-оёқнинг терлаши, суякларда оғриқ пайдо бўлиш кабилар юзага келади).

12. Баъзи наркотик моддалар венага юборилади ва бир қанча касалликларни юзага келтиради. Уларни биласизми?

(Гиёҳвандлик моддалари ифлос шприц игнаси орқали венага юборилса СПИД, захм, гепатит В ва С юқиш хавфи катта бўлади, иммунитет жуда сусайиб кетади, хавфли йирингли-инфекцион касалликлар пайдо бўлади, мия, юрак ва ўпкага аслига келмайдиган қилиб қаттиқ шикаст етказади).

13. Гиёҳвандликни олдини олиш мақсадида қандай ишлар амалга оширилиши керак?

(Бу фожианинг олдини олиш учун аввало мактаб, маҳалла ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги зарур. Халқ таълими ходимлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва жамоатчилик ташкилотлари, ёшлар билан ишлайдиган мутахассислар ёшлар ўртасида гиёҳвандликни олдини олиш бўйича турли тадбирлар, жонли мулоқотлар, суҳбатлар, гиёҳвандлик билан боғлиқ фожиалар акс эттирилган видеотасвирларни намоёйиш этиш каби ишлар олиб борилиши керак).

14. Имом Муслим ривоятида нопок нарсаларни ҳаромлигини қоралаб, қандай фикр билдирилган?

(«Маст қилувчи ҳар бир нарса – ҳаромдир» Имом Муслим ривояти).

Кутубхоналарда китобхонлар учун кўшимча таркатма материал

Кутубхоналарда «Гиёҳвандлик» мавзусига доир тадбирлар ўтказишда куйидаги мазмунда китобхонлар учун мўлжалланган таркатма материал тайёрлаш тавсия қилинади. Материални адабиётлар кўргазмасига кўйиш ва тадбирлар ўтказишдан олдин китобхонларга таркатиш тавсия этилади. Материалга кўшимчалар киритиш ёки қисқартириш мумкин. Намуна:

«Болангиз гиёҳванд моддаларга ўрганиб қолганини сезсангиз» мавзусида

Э С Л А Т М А Л А Р

XXI аср вабоси номини ўринли эгаллаган гиёҳвандликка чалиниш қандай осонлик билан кечса, ундан қутулиш эса ўта мураккабдир.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандида гиёҳвандлик белгиларини учратмаслигини чин дилдан истаймиз. Аммо, бахтга қарши, гиёҳвандлик иллатига дучор бўлганлар – болалар ва ўсмирлар орамизда учраб турганлиги аччиқ ҳақиқатдир.

Куйида баён этилаётган белгилар фарзандингиздаги гиёҳвандлик иллатини тезроқ аниқлаб, уни бу «оқ ажал» чангалидан ўз вақтида қутқариш учун имкон яратади, деган умиддамиз.

Улар:

- кайфиятнинг кескин ўзгариши: ҳаддан ташқари ҳушчақчақлик, кўтаринки кайфиятнинг бир данига тесқари томонга ўзгариши, тушуниб бўлмайдиган бефарқликка айланиш;

- бола (ўсмир) уйқусининг бузилиши кун бўйи уйқусираб, имиллаб юрган бола, кечга томон кўчадан кўтаринки кайфиятда келиши, узок вақтгача уйқуси келмаслиги, кейинги куни эса, яна ўша уйқу босиши, имиллаш ва ҳоказо ҳолатлар ;

- овқат истеъмол қилиш одатининг ва иштаҳанинг ўзгариши : кун бўйи ҳеч нарса емасдан оч ўтирган ва ўзининг оч қолганини сезмаган бола, кўчада айланиб келиб, бирданига жуда кўп миқдорда овқат истеъмол қилиши;

- ўқиш, иш, жисмоний тарбия, спорт ва уй юмушларига лоқайдлик, атрофдаги воқеа – ҳодисаларга мутлақо бефарқлик, ўта жаззакилик, тоқатсизлик, жаҳлдорлик, айрим ҳолларда йиғлокиликнинг юзага келиши;

- гапирилаётган гапнинг тез «етиб» бормаслиги, гаплар (сўзлар)га «кеч» жавоб қайтариши, сустраниш ҳоллари;

- кўз қорачиғининг кескин катталашини ёки торайиши, ёруғликда ҳам унинг ўзгармаслиги;

- тананинг турли соҳасида, айниқса кўл–оёқлар да нина санчилган жойларнинг излари мавжудлиги;

- юз терисининг ва кўзнинг кескин ва тез – тез қизариши;

- оғиз атрофидаги, бурун – оғиз учбурчагидаги терининг қизариб туриши, тери кўчиши (бензин, ацетон ва шунга ўхшаш эритувчиларни ҳидлаш оқибатида пайдо бўлади).

Агар юқорида қайд этилган ҳоллар фарзандингизда учраса, шошилиш хулоса чиқаришга ошиқманг, врач – нарколог билан маслаҳатлашиб, ташҳис аниқ қўйилганидан кейин, болангизнинг ишончига кириб, ундан сўнг боланинг ўзини гиёҳвандликдан даволанишга кўндириш;

- ҳеч вақтда дўк – пўписа қилманг;
- ваҳимага тушманг;
- болангизни эҳтиёткорлик билан кузатинг, шубҳангизни билдириб қўйманг;
- болани кўрқитманг, ҳеч қачон жазоламанг, жиғига, иззат – нафсига тегадиган гапларни айтманг;
- болангизга, у кириб қолган йўл қанчалик хавфли эканлигини ётиғи билан тушунтиринг;
- боланинг «ўзим махсус даволанишсиз бу одатларимни ташлайман, мана кўрасиз», деган сўзлари га зинҳор ишонманг!
- болани врач–нарколог ёрдамида даволанишига кўндиринг!

ТАДБИРЛАР

Қуйида гиёҳвандликка қарши тарғибот ишларини олиб боришда кутубхоналарда ташкил этилиши мумкин бўлган тадбирларни тавсия этамиз.

Т. р.	Тадбирнинг номи ва мавзуси	Қатнашувчилар
1.	«Гиёҳвандлик – ижтимоий иллат ёки унинг иқтисодий ва маънавий зарарлари» мавзусида давра суҳбати «Кимга оғу кимга малҳам» мавзусида адабиётлар кўرғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори	Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари қатнашиши зарур. Кенг китобхонлар оммаси, сиёсатшунослар, педагоглар, шифокорлар
2.	«Ёшлар гиёҳвандликка қарши» мавзусида давра суҳбати. Шу	Сиёсатшунослар, педагоглар, олий

	мавзуда адабиётлар кўргазмаси ва обзори	ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўқувчи ёшлар
3.	«Гиёҳвандлик – ҳаёт душмани» мавзуида савол-жавоб кечаси. «Тубсиз гирдоб» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори	Тиббиёт ходимлари, педагоглар, психологлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар, ўқувчилар
4.	«Гиёҳвандлик ва давр» баёни ва мунозара кечаси. «Инсонийлик кушандаси» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва обзори	Психологлар, педагоглар, сиёсатшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар
5.	«Ислом-гиёҳвандликка қарши» савол-жавоб кечаси. «Ёшлар ва гиёҳвандлик муаммолари» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва обзори	Диний қўмита вакиллари, педагоглар, психологлар, кенг китобхонлар оммаси
6.	«Наркотикларми ёки ҳаёт?» давра суҳбати. «Гиёҳвандликнинг пайдо бўлиши» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва обзори	Тарихчилар, шифокорлар, ҳуқуқ тарғибот органлари вакиллари, кенг китобхонлар

		оммаси
7.	«Гиёҳвандлик-бугун жаҳон муаммоси» мавзусида конференция. «Гиёҳвандлик- офат» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва обзори	Тарихчилар, диншунослар, турли жамғарма вакиллари, талабалар
8.	«Бу ботқоқдан чикиб бўлмайди» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори	Кенг китобхонлар оммаси
9.	«Қора дори»нинг қора излари» давра суҳбати. «Оёғи узун иллат» мавзусида адабиётларнинг очик кўргазмаси ва обзори	Тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, врач-наркологллар, кенг китобхонлар оммаси
10.	«Оқ ажалнинг-қора қисмати» мавзусида билимдонлар беллашуви. «Гирдоб: ундан қутулиш мумкинми?» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори	Педагогллар, психологллар, тиббиёт ходимлари, талабалар, ўқувчи ёшлар
11.	«Тубанликка олиб борувчи йўл» мавзусида баёс в мунозара кечаси. «Ажал уруғини сочаётганлар» адабиётлар кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори	Диншунослар, кенг жамоатчилик вакиллари, кенг китобхонлар оммаси
12.	«Биз ХХI асрда гиёҳвандсиз ва	Саломатлик

	СПИДсиз яшаймиз» давра суҳбати. «Кўза кунда эмас, кунда синади» адабиётлар кўргазмаси ва обзори	марказлари ходимлари, жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар
13.	«Наркобизнесга йўл йўқ: 1 март гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш куни» мавзусида конференция. «Жаҳаннам йўли: наркомания XXI аср вабоси» мавзусида адабиётлар кўргазмаси ва обзори	Ҳуқуқ тарғибот органлари ходимлари, сиёсатшунослар, тарихчилар, педагоглар, жамоатчилик вакиллари, кенг китобхонлар оммаси
14.	«Қуёшни тўсмоқчи бўлган «гуллар» мавзусида адабиётларнинг очиқ кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори	Кенг китобхонлар оммаси

Адабиётлар рўйхати

Каримов И. Мақсадимиз тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик.-Т.: Ўзбекистон, 1995.-48 б.

Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида.-Т.б.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-432 б.

Абдуллаев М. Гиёҳванднинг ҳалокати ёҳуд бир умр кишиларга зиён етказган кимсанинг қисмати //Қалқон.-2000.-№6.-Б.42.

Абдуқодиров З. Иллатга қарши курашишда ҳамкорлик зарур //Қалқон.-2001.-№10.-Б.13-14.

Бозоров С. Гиёҳвандлик аср вабоси //Тошкент оқшоми.-2004.-18 март.

- Бош айбдор наркомафия: гиёҳвандлик – аср вабоси //Қалқон.-2003.-№7.-Б.22-23.
- Бу ботқоқдан чикиб бўлмайти: гиёҳвандлик иллат //Қалқон.-2000.-№10-11.-Б.60-61.
- Гиёҳвандсиз дунё: [26 июнь гиёҳвандликка қарши курашиш куни] //Тошкент оқшоми.-1999.-9 июнь.
- Дадаев Ҳ. Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликдан ҳоли бўлай десангиз? [Дорисиз даволаш комплекси] //Оила шифокори.-2000.-5-11 дек; 12-18 дек.
- Жалилов Г. Ўлимни муқаррар қилувчи офат //Сиҳат саломатлик.-2003.-№2.-Б.12-13.
- Жўраев А. «Оёғи узун» иллат: аср вабоси //Қалқон.-2000.-№10-11.-Б.38-39.
- Иброҳимова М. Гирдоб: ундан қутулиш мумкинми? //Қалқон.-2004.-№2.-Б.21-22.
- Исроилов Д. Пухта ишлар самараси: [26 июн халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш куни] //Тошкент оқшоми.-2000.-23 июн.
- Икромова Д. Гиёҳвандлик офат: [Нашавандлик касаллиги ҳақида] //Тошкент оқшоми.- 2002.-28 июн.
- Йўлдошев А. Кимга оғу, кимга малҳам: ножўя иш – келтирар ташвиш //Қалқон.-2003.-№1.-Б.15-16.
- Йўлдошев М. Гиёҳвандлик офат //Сиҳат саломатлк.-2001.-№5-6.-Б.23.
- Мустафоев И. XX аср балои қазоси //Сирли олам.-1998.-№7.-Б.10-11.
- Мухторова М. «Оқ ажал» нинг қора қўланкаси //Туркистон.-2004.-28 янв.
- Муҳаммадиев С. «Оқ ажал»га йўликманг: [Гиёҳвандлик] //Соғлом авлод.-2003.-10-16 апр.
- Неъматов З. Ёшлар ва гиёҳвандлик муаммолари //Қалқон.-2004.-№1.-Б.19-20.

Пирматов Р. Кўёшни тўсмоқчи бўлган «гуллар»
//Калқон.-2001.-№4.-55 б.

Рахматов М. Ишонч пунктлари ишляпти //Сиҳат
саломатлик.-2003.-№5-6.-Б.7.

Саломов Б. Гиёҳвандлик – ижтимоий иллат ёки
унинг иқтисодий ва маънавий зарарлари: иқтисод ва
молия //Ҳаёт ва иқтисод.-1991.-№11.-Б.56-57.

Солиев М. «Оқ ажал» ёки эълон қилинмаган
уруш: аср вабоси //Калқон.-2001.-№4-5.-Б.54.

Тошпўлатов Т. Гиёҳвандлик – давр офати
//Саҳоват.-2002.-№6.-Б.21-22.

Тугалов Р. Оғуфурушларга шафқат йўқ:
гиёҳвандлик иллат //Калқон.-2002.-№1-2.-Б.65-66.

Убайдуллаев А.М., Аъзамов Р.А. Кашандалик
умр заволи.-Т.; 2002.-17 б.

Улуғхўжаев Т. Гиёҳвандлик ҳаёт душмани
//Сиҳат саломатлик.-1992.-№11-12.-Б.12-13.

Улуғхўжаев Т. Гиёҳвандлик умр эгови //Сиҳат
саломатлик.-1991.-№10.-Б.67.

Усмонов Э Жаҳаннам йўли: наркомания XX аср
вабоси //Калб кўзи.-2000.-2 февр.

Упа ўрнига героин ёки гиёҳвандлик моддаларини
ташишга уринган аёлларнинг макру ҳийлалари ҳақида
//Калқон.-2000.-№1-2.-Б.48-49.

Шифокор – ажал элчиси: гиёҳвандлик иллат
//Калқон.-2003.-№12.-Б.22-23.

Шовоҳобов Ш. Қора ажалдан сақланинг //Сиҳат
саломатлик.-2002.-№5-6.-Б.20.

Шорин Т. Наркомания ва ҳамшира? Маҳорат
синови //Ҳамшира.-1999.-№2.-Б.14.

Юнус Абдураззоқ хожи. Ислом – гиёҳвандликка
қарши //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2003.-№4.-Б.289-
290.

Ўлжабоев Н. Наркобизнесга йўл йўқ //Тошкент
нақиқати.-2004.-28 февр.

Ғойибов Ж. «Оқ ажал»нинг-қора қисмати
[гиёҳвандлик тўғрисида] //Сирли олам.-2001.-№5-6.-Б.8.

Босишга рухсат этилди “ ____ ” _____ 2004 йил
Бичими ____ нашр. т. ____ нусха. Буюртма № ____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди